



# О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Бог‘от shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 30 - Mart

6450 -son

Бог‘от shaharchasi

Фуқаро Оллоназаров Эркинбойнинг  
турар жой биносига бўлган эгалик  
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Богот тумани “Нурли ҳаёт” маҳалласида яшовчи фуқаро Оллоназаров Эркинбойнинг “Нурли ҳаёт” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 12 мартдаги ШЯ-О-1033-сонли аризасини, “Нурли ҳаёт” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Богот туман филиалининг 2021 йил 11 мартдаги 761-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

## Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Богот тумани “Нурли ҳаёт” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 91,5 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 110,7 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 202,2 квадрат метр, қурилиш ости майдони 260,8 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Оллоназаров Эркинбойга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Оллоназаров Эркинбойга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Оллоназаров Эркинбойга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани хокими**



**Ш.Яхшибаев**